Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 159 (4854).
17 ИЮЛЬ 1982 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўли гул чеварлари СССР ташкил топганлигининг 60 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Аҳил коллектив «Сафимизда қолоқлар бўлмасин», «Икки беш йилликни бир беш йилликда» шиорлари остида ишлаб, қувонарли натижаларни қўлга киритмоқда.

БУГУН

бирлашмада йил бошидан бери пландан ташқари 340 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 процентдан зиёд ўсди. Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот 30 процентни ташкил этди.

Буларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Илғорлар тажрибасини кенг ёйиш, социалистик мусобақанинг тўғри йўлга қўйилганлиги ютуқлар омили бўлди. Айниқса илғор ишчилар, бичувчилар Л. Халилова, П. Новосельцева, Г. Закритная, Ф. Полтаева, тикувчи Р. Тўйчиевалар ўзларининг унумли меҳнатлари билан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Улар икки беш йилликни бир беш йилликда бажариш мажбуриятини олиб, ҳозирда 1984 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

— Мен ўн бешлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, Ватанимиз юбилейи нишонланадиган кунгача бир беш йиллик планимни бажариб, ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топшира бошлайман, — деди биз билан суҳбатда корхонанинг етакчи ишчиларидан бири, шаҳар Советининг депутати Флюра Полтаева. — бу менинг Ватанимиз шонли тўйига муносиб совғам бўлади.

Долзарб мавзу

Тўсиқли... дам олиш

Айни шу кезларда термометрнинг симоб устунлари янада юқорига кўтарилди. Саратон иссиғи бошланди. Шунинг учун ҳам кўплаб тошкентликлар дам олиш кунларини сабрсизлик билан кутишиб, бўш вақтларини оромгоҳларда ўтказишга, офтобда тобланишга ошиқишади. Кўплаб ҳамшаҳарларимиз оилавий дам олиш мақсадида Тошкент денгизига, «Бахт» ва «Роҳат» дам олиш зоналарига, Ленин комсомоли ва Ғалаба номли маданият ва истироҳат боғларига боришади. Шаҳримиз ва унинг атрофларида кўплаб дам олиш масканлари бор. Лекин ҳамма маданият ва истироҳат боғларида, дам олиш зоналарида ҳам дам олувчилар учун қулайлик яратилганми? Ҳамшаҳарларимиз кўнгилли дам олиб қайтишяптими?

... Мана («Роҳат») яқинида автобусдан тушаётган навбатдаги дам олувчилардан бир группасининг қўлида ҳар хил сумкалар, тўп, ўйинчоқлар. Дам олиш зонаси қирғоғи атрофига жойлашиб олганлар эса ўзлари олиб келган ҳар хил кўринишдаги соябонларни дуч келган ерга ўрнатишиб, дам олишга ҳозирлик кўришмоқда.

— «Бу ерда соябонлар кўпдан бери етишмайди,— дейди редакцияга хат йўллаган инженер-қурувчи А. Цветков. — Прокат пунктида деярли ҳеч нарса бўлмайди. Қайиқ ва сувда сузадиган велосипеддан бўлса-да етарли миқдорда эмас».

Қуёш иссиғидан қочиб салқинроқ жой топишга ҳаракат қилаётган дам олувчилар сони кўп. Бу ерга ўтқазилган кўчатлар ҳали улғаймаган, соя-салқин беришга бир неча йил бор. Бу кўчатларнинг салқин бериши учун ҳозирдан уни меҳр билан парвариш қилиш, вақтида суғориб туриш керак.

Болалар майдончаси ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ердаги ўриндиқлар ва бошқа жиҳозларнинг ҳаммаси ҳам тўла ремонтдан чиқарилмаган, бўялмаган. Яқин орада сув ичиш фонтанчалари йўқ. Болалар учун чўмиладиган махсус жой ажратилмаган. Дам олиш ўз йўлига, лекин ободонлаштириш ишларини ҳам олиб бориш керак, дейишмоқда дам олиш зонаси бошлиқлари. Шунинг учун бўлса керак шундоқ кўлнинг ёқасида чуқурчалар қазилган, тупроқлар ҳаммаёққа сочиб юборилган. Бу ишларнинг ҳаммаси дам олувчиларга ниҳоятда ноқулайлик туғдирмоқда.

Чўмилгандан сўнг кўркам, қулай бўлган кафеда дам олиб, муздек ичимликлар ичиб, мороженое ейишга нима етсин. Лекин дам олиш зонасидаги кафеда мороженое йўқ, лимонад ва «Пепси кола»лалар илиқ ҳолда сотилмоқда. «Роҳат» кафесининг менюсини кўздан кечирар экансиз фақат пирожки ва лағмонлардан бошқа ҳеч нарса йўқлигини кўрамиз. Шуни айтиш керакки, бу кафеда кўпинча музлатилган сув бўлмайди, тайёрланаётган овқатлар эса фақат куннинг биринчи ярмигагина етади, холос. «Роҳат» кафеси ёнидаги усти берк ошхона қурилиши ниҳоясига етказилмаган. Бу содагилар халқимизнинг қиш ғамини ёзда е, деган нақлга амал қилишмаётир. Амал қилишганда эди меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишлари учун шароит яратишган бўлишарди. Дам олиш зонасидаги волейбол майдончалари ва аттракционлар мутлақо жиҳозланмаган, Ўрнатилган телефон будкасида аппарат йўқ, кутубхонада эса бундан икки, уч йил илгари чиққан журналларни учратишингиз мумкин. Дам олиш зонасида бошланган ишлар чала ташлаб кетилган.

«Бахт» кўлида ҳам худди «Роҳат»даги каби манзараларга дуч келасиз. Бу ерда ҳам прокат пункти, савдо шахобчалари қониқарсиз ишламоқда. Соябонлар етишмайди. Дам олувчилар дарахтлар салқинига ўзларини олишади. Чўмилиш жойларидаги тўпланиб қолган чиқиндилар эса ўз вақтида олиб кетилмаётир. Чўмилиш жойининг узоқ участкалари эса умуман ободонлаштирилмаган. Кўчатлар ўз вақтида суғорилмаслиги натижасида кўплаб ниҳоллар қуриб ётибди. Кўпчилик дам олувчилар кўлдаги сувнинг ифлослигидан нолишмоқда.

Кейинги вақтларда «Бахт» ва «Роҳат» дам олиш зоналарида кўплаб болалар майдончалари, янги аттракционлар барпо қилинди. Прокат пунктлари 80 та қайиқ ҳисобига кўпайди, ҳар хил театрлаштирилган байрамлар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Лекин шунга қарамасдан ҳали ниҳоясига етказилмаган ва ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Биринчи галда дам олувчилар учун чўмилиш майдончаларида шароит яратиш керак. Шу билан бирга транспорт хизмати кўрсатишни ҳам тўғри йўлга қўйиш керак. Ҳозир 89-автобус «Роҳат» дам олиш зонасига қатнаётган ягона маршрут ҳисобланади. Бу маршрут фақат якшанба куни йўловчиларга хизмат кўрсатиши билан бирга линияларда машиналар ниҳоятда кам бўлади. Трамвай бекатидан «Бахт» дам олиш зонасига бориш учун ҳам анча пиёда юриш керак. 133-автобус маршрутини узайтириш ҳақидаги масала ҳалигача ҳал қилинган эмас.

Ленин комсомоли ва Ғалаба номли маданият ва истироҳат боғларида ҳам дам олувчилар кўп бўлади. Чўмилиш жойлари озода сақланиши билан бирга, қумлар сепилган. Лекин ана шу боғларда ҳам соябонлар етарли эмас. Дам олувчилар сув ва мороженое олиш учун узоққа боришга мажбур. Прокат пунктларида ҳаво тўлдирилган матраслар, соябонлар етишмайди. Лекин, боққа киравершдаги плакатларда прокат пунктида барча жиҳозлар мавжудлиги қайд этилган.

Фактлар шуни кўрсатмоқдаки тошкентликларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун ҳали барча шароитлар яратилмаган. Дам олиш билан алоқадор барча ташкилотларнинг мутасадди раҳбарлари ҳамшаҳарларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шароитларни яратишлари зарур. Кўнгилли ҳордиқ чиқариш — навбатдаги ҳафтада янада унумли меҳнат қилишга замин яратади.

ШАРҚНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИНИНГ БИРИНЧИ СОНИ ЧИҚҚАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Роппа-роса ярим аср муқаддам — 1932 йилнинг июнида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журнали —«Шарқ юлдузи»нинг биринчи сони босмадан чиқди. 16 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу шонли санага бағишланди.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов очди.

Журнал эллик ёшда... Журналнинг шу йиллар мобайнида тўпланган саҳифалари республика ҳаётининг бадиий йилномаси, қурилишлар, ерларни ўзлаштириш йилномаси, янги номларни юзага чиқарган бадиий ижодиётларнинг йилномаси бўлиб қолди. Журнал сонлари Улуғ Ватан уруши йилларида солдатларнинг ўлмас жасоратини ва мамлакатнинг ичкари томонидаги қаҳрамонона меҳнатни, совет халқининг коммунистик қурилиш йўлидаги зафарлари улуғворлигини тасвирлади.

Редакция коллективи Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ», «Эсдаликлар» номли ажойиб асарлари билан журналхонлар журнал саҳифалари орқали танишганликларидан фахрланади.

Ҳамза, Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжоннинг асарлари журналда босилиб чиқиб, халқнинг севимли асарлари бўлиб қолди. Журнал саҳифалари М. Шайхзода, Миртемир, Ш. Рашидов, К. Яшин, М. Шевердин, Зулфия, Уйғун, Н. Сафаров. А. А. Удалов асарларини биринчи бўлиб китобхонларга етказди, кўпгина шоирлар ва прозаикларнинг истеъдодини камол топтирди.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Йиғилиш аҳли уни самимий кутиб олди. Ш. Р. Рашидов журнал коллективини, республиканинг барча адибларини шонли сана билан, ҳукуматнинг юксак мукофоти — Халқлар дўстлиги ордени билан сидқидилдан муборакбод этди. Журнал совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги актив иштироки учун мана шу мукофотга сазовор бўлди.

Ш. Р. Рашидов журнал мана шу йиллар мобайнида адабий жараёнга актив таъсир ўтказиб келганлигини, китобхонларни маънавий тарбиялаш мактаби, кўпгина ўзбек шоирлари ва прозаикларига мамлакатимизнинг кўп миллатли улкан адабиётига йўлланма берган ижодий лаборатория бўлиб келганлигини таъкидлади. Журнал саҳифалари ўзбек китобхонларига Пушкин ва Горький, Низомий ва Шота Руставели, Шолохов ва Симонов ижодиётини чин қалбдан абадий севиб қолишларида ёрдам берди. Йиллар ўтди, журнал саҳифаларида эълон қилинган асарларнинг мавзулари ўзгариб борди, лекин улуғ Ленин идеалларига садоқат мавзуси, бу йил СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини нишонлайдиган совет халқлари оиласи дўстлиги ва қардошлиги мавзуси ҳамиша бош мавзу бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Республика партия ташкилоти жонажон Коммунистик партия ўртага қўяётган вазифаларнинг тарғиботчиси бўлишини, КПСС XXVI съезди улуғвор режаларининг амалга оширилиши тўғрисида ҳикоя қилишни «Шарқ юлдузи» коллективининг жанговар вазифаси деб билади. Республика меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошириш учун олиб бораётган кураши журнал ҳозирги сонларининг асосий мавзусидир. Бадиий сўз усталари қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида ёрқин ва ишонтирарли тарзда ҳикоя қилишлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорларининг тажрибасини кўрсатишлари керак.

Ш. Р. Рашидов залда ҳозир бўлган кишиларнинг гулдурос қарсаклари остида «Шарқ юлдузи» журнали байроғига Халқлар дўстлиги орденини қадаб қўйди.

Журналнинг бош редактори, филология фанлари доктори Ҳ. Ш. Абдусаматов журнал фаолиятига, коллективнинг ижодий меҳнатига берилган юксак баҳо учун партия билан ҳукуматга астойдил миннатдорчилик изҳор қилди.

Йиғилишда журнал ташкилотчиларидан бири Ўзбекистон халқ шоири Уйғун, «Звезда Востока» журналининг бош редактори, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси А. А. Удалов, юбилярнинг Қозоғистондаги қардоши — «Жулдуз» журнали бош редактори Б. Тлегенов, Тошкент область Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси Ҳ. Эргашев, ТошДУ студенти Д. Раҳматуллаева сўзга чиқиб, жонажон партияга, Совет ҳукуматига миннатдорчилик билдириб, ижодий коллектив шаънига эзгу тилаклар айтдилар.

Журнал номига Москва, Ленинграддан, қардош республикаларнинг пойтахтларидан келган табрик телеграммалари ўқиб эшиттирилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Интернационал бурчга садоқат

ТОШКЕНТЛИК ҚУРУВЧИЛАР БАМГА ЖЎНАБ КЕТДИЛАР

Бу воқеа 15 июль Москва вақти билан соат 14 дан 7 минут ўтганида бўлди. «Тошкент-Товарная» станциясидан 52 вагондан иборат состав жўнаб кетди. Бу состав Байкал-Амур магистралидаги Тинда станциясигача боради. «Главташкентстрой» бригадалари БАМнинг икки темир йўл станцияси ва посёлкасини қуриш ишларини бошлаб юбориш учун ўша ердан Ғарбга на рельси, на йўли бўлган тайгага қараб йўл оладилар.

Биринчи поездда атиги 15 кишидан иборат отряд бормоқда. Ўзбекистон пойтахтининг қурувчилари материал асбоб-ускуналар олиб кетмоқдалар... Ҳатто мих олиш ҳам унутилмаган, ёнилғи тўлғазилган цистерналар ўрнатилган, пўстин ва иссиқ кийим ғамланган.

Тошкент отряди Тиндадан ишчи поездларига тушиб, БАМнинг яқинида ётқизилган йўли орқали Хани станциясига боради ва ўша ердан ҳеч қандай йўли йўқ бўз ерлар орқали Куанда ва Леприндо станциялари қуриладиган нуқталар сари равона бўлади. Совуқ тушгунига қадар тайинланган жойга етиб бориб, уй-жой шаҳарчасини қуриш ва ҳеч бўлмаганда дастлабки тайёргарлик ишларини бажариш лозим. Беш йилликнинг учинчи йилида эса қурилиш шитоб билан бошлаб юборилади.

Тошкентдан жўнаб кетган юк поезди кетидан пассажир поезди ҳам боради: унда «Узбамстрой» қурилиш-монтаж поездининг ишчилари, мастерлари, инженерлари Тиндага борадилар. Ҳаракат графиги машина-ускуналар ҳам, одамлар ҳам Тиндага мумкин қадар бир вақтда етиб борадиган қилиб тузилган.

Ҳали олинадиган баъзи нарсалар бор, ресурсларнинг бир қисми яқин фурсатда ортиб жўнатилади. Бунинг учун темирйўлчилар яна бир состав берадилар.

Шундай қилиб, «Узбамстрой» йўли бошланди. Россия Федерациясининг Иваново, Владимир, Новгород областларида иш олиб бораётган республикамиз коллективларига яна битта коллектив қўшилди ва у Сибирь тайгасида ишлайди. Ўша иқлими қаттиқ-қурум ўлкада ўнлаб миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилади. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари поезд жўнаб кетиши олдидан ўтказилган қисқача митингда қурилиш ўз вақтида, сифатли қилиб битказилади, деб ваъда бердилар. 1966 йил зилзиласидан сўнг Тошкентга келган ўнлаб отрядлар ўз ишини қандай бажарган бўлса ўша кунларда вужудга келган «Главташкенстрой» ҳам ўз интернационал бурчини шундай шараф билан адо этади.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.

Суратда: «Тошкент — товарная» станциясидан БАМга йўл олган қурувчилар отряди.

Б. Казанцев фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотни ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан «Труд» газетасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири ўртоқ Геннадий Николаевич **Крюкка «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуот органларида самарали ишлаганлиги учун ва «Шарқ Юлдузи» журнали чиқа бошлаган кунга эллик йил тўлиши муносабати билан шу журналнинг бир группа ходимларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ҚАҲР-ҒАЗАБ БИЛАН ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

Ўзбекистон жамоатчилиги Исроилнинг ваҳшиёна агрессиясига дучор бўлган Фаластин ва Ливан халқларининг тақдири учун зўр ташвиш билдирмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда ўтказилаётган митингларнинг қатнашчилари босиб олинган ерлардан интервентлар дарҳол олиб чиқиб кетилишини, Фаластин халқининг қонуний ҳуқуқлари тикланишини талаб этмоқдалар.

— Исроил босқинчилари Ливанда қилаётган қонли ёвузликлардан барча тинчликсевар кишилар ларзага келмоқда,—деди 14 июль куни Тошкент экскаватор заводида бўлиб ўтган кўп кишилик митингда сўзга чиққан ишчи М. Шоғалиев. — Байрут ва бошқа аҳоли пунктларининг минг-минглаб аҳолиси босқинчилар қўлида ҳалок бўлмоқда. Барча совет кишилари каби биз ҳам ўртоқ Л. И. Брежневнинг Америка президенти Р. Рейганга мурожаатини чин қалбдан қўллаб-қувватлаймиз. Ана шу мурожаатда миллионлаб фаластинликлар ва ливанликларнинг ҳаётини сақлаб қолишга, Яқин Шарқдаги ваҳшиёна қароқчилик бундан буён давом эттирилишига йўл қўймасликка ғоят астойдил интилишимиз изҳор этилган.

Митингда сўзга чиққан йўнувчи Н. Терновенко, цех бошлиғи А. Шестак, завод комитети раиси Х. Нуруллаев Исроил босқинчилари ва уларнинг америкалик ҳомийлари хатти-ҳаракатларини ғазаб билан қоралайдилар ҳамда агрессор қўшинлари босиб олган территориялардан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ 15 июль куни КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг ўринбосари К. Н. Брутенц ўртоқлар СКП Марказий Комитети Бош секретари Х. Багдаш, СКП Марказий Комитети Бош секретарининг ўринбосари Ю. Фейсал, СКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари З. А. Самад ва Р. Шейходан иборат Сурия Коммунистик партияси делегациясини қабул қилдилар.

ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентда Иордания қирол илмий жамияти билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоланди.

Иордания қирол илмий жамиятининг бош секретари Альберт Бутрос ЎзТАГ мухбирига шу гапларни айтди:

— Совет олимларининг, жумладан, жаҳон энергетикасининг Қуёш энергиясидан фойдаланиш каби энг муҳим проблемасини ҳал этиш соҳасида ажойиб муваффақиятларга эришганлигини яхши биламиз. Узоқ муддатга мўлжалланган бу битим мамлакатларимиз олимлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш манфаатлари йўлида қуёш энергиясидан фойдаланишда янги муваффақиятларни қўлга киритиш имконини беради.

Иорданиялик меҳмон В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-техника институти олимларининг иши билан танишди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумида фанни ривожлантиришнинг актуал проблемалари тўғрисида суҳбат ўтказилди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО МАВЗУЛАРДА СУҲБАТ

Қуролсизланиш— замон талаби

Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган иккинчи махсус сессияси бир ойдан кўпроқ давом этди. Унда 157 давлат вакиллари замоннинг энг муҳим проблемасини муҳокама қилдилар. Бу масаланинг ҳал этилиши инсониятга тинч келажакни таъминлаган, ҳозирги вақтда уруш қуроллари учун сарфланаётган жуда катта маблағларни бунёдкорлик мақсадлари учун бўшатиб берган бўлур эди.

Сессия Қўшма Штатлар ва бошқа империалистик давлатлар томонидан қурол-яроғлар пойгасининг авж олдирилиши, янги танглик ўчоқлари ва қуролли можаролар, шу жумладан Ливанда қуролли можаролар авж олдирилиши билан характерли бўлган мураккаб халқаро вазиятда иш олиб борди. Исроил Вашингтон билан тил бириктириб, тўғридан-тўғри агрессия йўлига ўтди. Буларнинг ҳаммаси ортиб бораётган уруш хавфининг олдини олиш, қурол-яроғларни, биринчи навбатда унинг айниқса энг хавфли тури — ядро қуролларини чеклаш ва қисқартиришнинг таъсирчан чораларини қабул қилиш вақти келганлигини кўрсатди.

Планетамизнинг ҳамма ерлардаги кўп миллионли халқлар оммаси шундай қилиш зарурлигини яхши англамоқдалар. Сессиянинг очилиш арафасида кўпгина мамлакатларда авж олиб кетган намойишлар ва митинглар тўлқини тинчликка бўлган интилишни яққол намойиш қилди. Нью-Йоркда ўз кўлами жиҳатидан Вашингтоннинг Вьетнамга қилган агрессияси вақтидан буён урушга қарши энг катта намойиш бўлиб ўтганлиги бу ҳаракатнинг юқори нуқтаси бўлди. Бир миллиондан кўпроқ киши қатнашган бу намойиш колонналарида америкаликлар билан бир қаторда бошқа мамлакатлар, шу жумладан ядро уруши азоб-уқубатларини ўз бошидан кечирган Япония вакиллари одим ташлаб бордилар.

Ядро ҳалокатининг олдини олиш, қурол-яроғлар пойгасини жиловлаб қўйиш масалаларига сессияда алоҳида эътибор берилди. Л. И. Брежневнинг мактуби сессия қатнашчиларида жуда катта таассурот қолдирди. «Совет давлати ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни бажо келтириш иштиёқига амал қилиб, — дейилади мактубда, — халқларни ядровий қирғин хавфидан халос этиш ва пировард натижада ана шундай хавф-хатар эҳтимолининг ўзини инсоният ҳаётидан чиқариб ташлаш мақсадида шуни тантанали суратда айтадики;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўз зиммасига ядро қуролини биринчи бўлиб қўлланмаслик мажбуриятини қабул қилади».

Кўпгина делегатлар ўз нутқларида Совет Иттифоқи ядро уруши хавфини бартараф этиш тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиб, бир томонлама тартибда қабул қилган қарорига жавобан бошқа ядровий давлатлар ҳам тегишли қадамлар қўйсинлар, деб талаб қилдилар.

Сессиядаги музокаралар кимлар тинчликка ҳақиқатан ҳам интилаётганлигини, кимлар эса бу йўлдаги куч-ғайратларни барбод этишга ҳар томонлама уринаётганлигини яққол кўрсатди. Масалан, қўшилмаган давлатларнинг асосий кўпчилиги қўллаб-қувватлаган социалистик мамлакатлар конкрет таклифларнинг бутун бир комплексини илгари сурдилар. Бу таклифлар қурол-яроғлар пойгасини жиловлаб қўйишнинг ядровий қуролсизланиш программаси, ядро қуроли барча синовларини тақиқлаш, нейтрон ва химиявий қуролни тақиқлаш сингари энг шошилинч масалаларни ўз ичига олади. Улар орасида Совет Иттифоқи киритган «Кучайиб бораётган ядровий хавф қайтарилсин, қуролланиш пойгаси жиловлансин» меморандуми муҳим ўрин эгаллайди.

АҚШ ва ғарбдаги бошқа давлатларнинг делегациялари сессияга мутлақо қарама-қарши мақсадлар билан келганликлари маълум бўлиб қолди ва улар ўзларининг қурол-яроғларни янада кўпайтириш йўлини давом эттиришга тўсиқ бўлиб хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинишини барбод этиш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар. Улар яккаланиб қолдилар.

Сессия халқаро сиёсий ҳаётда ижобий ҳодиса бўлиб қолди. У ядро уруши хавфига чек қўйиш, ядро аслаҳаларини кўпайтирмаслик ва шундан кейин уларни бутунлай тугатишгача қисқартириб бориш мақсадларида шошилинч чоралар кўрилиши зарурлигини тан олиб, БМТга аъзо бўлган барча давлатларни хавфли ядро уруши ёнғини бошланиб кетишининг олдини олишга қаратилган таклифларни мумкин қадар тезроқ қараб чиқишга даъват этди, Бош Ассамблея келаси йили белгилайдиган муддатларда қуролсизланишга бағишланган учинчи махсус сессия чақирилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Айни вақтда ғарбнинг бузғунчилик позицияси сабабли бир қанча муҳим тавсиялар, шунингдек қуролсизланиш бўйича кенг кўламдаги программа қабул қилинишига муваффақ бўлинмади.

Шубҳа йўқки, сессия қуролланиш пойгасини орқага қайтаришни талаб қилаётган халқларнинг урушга қарши ҳаракатини янада кенгайтириш омили бўлади. Социалистик мамлакатлар сессия тугагандан кейин эълон қилинган қўшма баёнотда оқилона асосда қурол-яроғларнинг ҳар қандай турларини чеклаш, қисқартириш ёки тақиқлаш тўғрисида келишиб олишга ўзларининг тайёр эканликларини яна бир бор таъкидладилар.

Ю. РОМАНСОВ.
(ТАСС).

Коммунист ташаббуси

ДАСТЛАБКИ ОДИМ

Кўп йилларгача 2-автокорхонада 51-маршрут қолоқ маршрутлардан саналиб келди. Корхона коллективи назарида бу маршрутда аҳволни яхшилашнинг ҳеч иложи йўқдек эди. Амалда ҳам шундай эди. Чунки қанчадан-қанча чора-тадбирлар кўрилган бўлишига қарамай бу қолоқ коллективда сезиларли ўзгариш юз бермай келарди. Ўрта йўлда кўпдаланг турган бу муаммони ҳал қилишнинг имконн бўлмай турган бир пайтда, илғор 1-маршрутнинг бригада бошлиғи Эргаш Азаматов янги ташаббус билан майдонга чиқди. У илғор бригададан қолоқ бригадага ўтиб ишлаш истагини билдирди. Шу тариқа шу йилнинг 1 январидан бошлаб 51-маршрутни бошқара бошлади. Аммо бошқариш осон эмасди. Қатор қийинчиликлар, чидам ва ойлаб вақт талаб қиладиган муаммоларни ҳал қилмоқ керак эди. У ишни бригада составини ўзгартиришдан, яъни бригадага кўпроқ ёшларни — корхона қошидаги шофёрлар тайёрлаш курсини битирган ёш ҳайдовчиларни жалб этишдан бошлади. Бундан мақсад —бригада муқимлашган лойдқилликка барҳам бериш учун жўшқин, соғлом коллективни вужудга келтириш эди. Шунингдек, ёшларга меҳнатга муҳаббат, зиммадаги масъулиятни ҳис этишдан асосий хислатларни юқтириш осон кўчарди. Асосий гап юзага келган (бригада 32 кишидан ташкил топганди) мана шу кучни бошқара билишда эди. Э. Азаматов бошқарув жараёнини, ҳаракат графигини тўла йўлга қўйиш, шахсий назоратни кучайтириш ва машиналар созлигига эътиборни оширишдан бошлади. Ҳафта сайин бажарилган ишларни коллектив ўртасида сарҳисоб қилиб, эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликларни ҳам холисона шарҳлаб борди. Тажрибасиз ишчиларга, айниқса ёшларга ўз тажрибасини ўргатиб бориш билан бирга ликда йигитларнинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қилди. Бора-бора бригада ўртасида бир мақсад— бир маслак деган тушунча туғилди. Шахсий намуна кўрсатувчилар сафи кенгайиб борди. Куни кеча машина рулига ўтирган ёшлардан И. Эминов, Е. Аноутов, В. Мелгородскийлар кунлик кўрсаткичларни 105 процентдан 140 процентга қадар етказа бошладилар. Умум аҳвол эса йилнинг иккинчи, асосан учинчи ойидан бошлаб жиддий ўзгарди, илғорлар сафи кескин ошди. Аммо бу муваффақиятлар ишлаб чиқаришда бўлиб, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш борасида оқсоқлик сақланмоқда эди. Бироқ бу иш осонлик бикан кўчмасди. Чунки коллективда фақат ишлаб чиқариш планини кетидан қувиб, маданий хизмат кўрсатишга иккинчи даражали иш деб қаровчи ҳайдовчилар ҳам йўқ эмасди. Ушалар иккинчи даражали деб ўйлаган бу ишни асосий даражага кўтариш учун ҳам коллектив равишда кураш олиб борилди, яъни ўртоқлик назорати кучайтирилди.

Яқинда бригаданинг ярим йиллик плани сарҳисоб қилинди. Коллектив ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 мингдан ортиқ иқтисодий фойда келтиргани маълум бўлди. Бу кўрсаткич илғорлик томон ташланган дастлабки йирик одимдир. Коллектив йил охиригача пешқадам коллективлар сафидан ўрин олишга ҳаракат қилмоқда. Коммунист Эргаш Азаматовнинг ўзи эса айни вақтда шу йилнинг ноябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. У бошқарма бўйича илғор ва тажрибали ишчилардан саналади.

Н. НОРҚОБИЛОВ.

«ШИКОЯТ ДАФТАРИНИ БЕРИНГ!..»

МАҚОЛАСИ (1982 ЙИЛ, 7 ИЮЛЬ)— ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

Ҳаммамизнинг фарзандимиз бор. Уларнинг деярли ҳаммаси боғча ва яслиларга қатнайди. Шунинг учун ҳам «Шикоят дафтарини беринг!..» мақоласи кўплаб ўқувчиларда қизиқиш уйғотгани табиий. Оқшомхонлар ушбу мақолада тилга олинган 270, 6, 32, 489, 520, 66-болалар боғчаларида кичкинтойларга ёмон муносабатда бўлишаётгани, «Ташгосснабторг»нинг чакана савдо магазинлари болалар муассасаларини етарлича сабзавот ва мевалар билан таъминламаётгани учун болалар менюсида сабзавот ва мевалар йўқлигидан ғоят таажжубланганликларини ифода этмоқдалар. Айни пайтда шаҳримизда болалар учун жуда кўп иш қилинаётганини ҳам таъкидламоқдалар. Масалан, янги, кенг, ёруғ бинолар қуриляпти. Боғчаларда болаларни мактабга тайёрлаш, эстетик ва меҳнат тарбияси бўйича катта тарбиявий ишлар олиб бориляпти. Газетхонлар мактабгача болалар муассасалари кўпгина ходимларининг ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги меҳнатига ташаккур билдириш билан бирга, айни пайтда бу муассасаларда тарбиявий ишларни такомиллаштириш кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқ эканлигини таъкидламоқдалар. Боғчаларда ўзгаларнинг болаларини худди ўз фарзандидек севадиган, ўз касбига меҳр қўйган кишилар ишлашлари лозим. Ана шундагина болалар ҳақига ҳиёнат қилинмайди — ёғ, гўшт, мева ва сабзавотлардан уриб қолинмайди, дейишмоқда улар.

Бугун газета саҳифаларида ана шу мавзуда бошланган суҳбатни давом эттириб, қуйида газетхонлардан редакциямизга келган мактублардан айримларини оқшомхонлар эътиборига ҳавола қиляпмиз.

Тарбиячи — ҳалоллик демак

Кичкинтой бола онгининг қандай шаклланиши, унинг соғлом ўсиши ота-онага, улар тарбияланадиган боғча ходимларига боғлиқ. Чунки бола кўп вақтини боғчада ўтказади. Ана шу тарбия муассасаси ходимлари ўз вазифаларига қанчалик масъулият билан ёндошишса, болалар шунчалик соғлом ўсишади, уларнинг мурғак тасаввури кенгайиб олийжаноб туйғулар билан бойиб боради. Шаҳримиздаги жуда кўп болалар боғчаларининг тарбиячилари, барча ходимлари ана шундай масъулиятни ҳис этган ҳолда ўз касбларини шарафламоқдалар.

Афсуски бундай шарафга номуносиб кишилар гоҳо орамизда пайдо бўлиб қолади. «Шикоят дафтарини беринг!..» сарлавҳали мақолада айнан ана шундай боғча ходимлари тўғри танқид қилинган. Биз бу мақолани боғчамизнинг барча ходимлари билан биргаликда ўқиб, муҳокама қилдик. Ишимизни янада яхшилаш бўйича тадбирлар белгиладик. Бизда мен ўзим, медицина ҳамшираси ва навбатчи тарбиячи ҳар куни ошпазлар ишини кузатиб борамиз. Ота-оналар комитети аъзолари истаган пайтларида болаларга берилаётган овқатлар сифатини текширишлари, уларнинг тайёрланиш жараёни билан танишишлари мумкин.

Ҳозир боғчамизда 460 кичкинтой тарбияланмоқда. Улар учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз. 24 тарбиячи, 3 мусиқа ходими, 2 медицина ҳамшираси, ўнлаб техник ходимлар кичкинтойлар атрофида парвона. Бизнинг ходимларимиз ишга соат 7 яримда келишади. Болалар келгунча ҳаммасини саранжомсаришта қилиб қўйишади. С. Саидаҳмедова, Ш. Абдураҳимова каби тарбиячилар, З. Нурова ва Ф. Розиева каби техничкаларимиз боғча очилгандан бери шу ерда ишлашади. Уч йилдан бери коллективимиз райондаги мактабгача тарбия муассасалари ўртасида биринчи ўринни эгаллаяпти. Энг яхши ходимларимиз фахрий ёрлиқлар олишган.

Бу йил 80 кичкинтойни мактабга кузатиб қўямиз. Улар дастлабки меҳнат кўникмаларига эга. Рус тилини яхши ўзлаштириб олишган. Бунда боғчамизда ташкил этилган лингофон кабинети катта самара берди.

Бундай ютуқларга ходимларимизнинг ўз касбига садиқлиги, ҳалоллиги, ёшлар тарбиясида масъулиятни ҳис этишлари туфайли эришяпмиз. Демак тарбиячи ҳалол, бегараз меҳнат қилувчи инсон бўлиши керак.

Н. ТУРАХОНОВА,
Октябрь районидаги 448-болалар боғча-яслиси мудираси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Кичкинтойларни севинг

Болалар боғчаларида фарзандларимизни қандай тарбиялаётгани тўғрисида газета танқидий мақоласи биз ота-оналарда катта қизиқиш уйғотди. Тўғри, ўғлим қатнаётган 462-болалар боғчасида бу борада ишнинг қандай эканлигини текшириб кўрган эмасман, ўғлим ҳам бу борада бироз нарса деёлмайди, албатта. Лекин тарбиячиларнинг болаларга қилаётган муомаласини кузатганимда кўп нарсалар ойдин бўлди.

Эрталаб, айниқса баҳор кезларида группага ўғлимни олиб келсам шунақанги елвизак бўлардики, ёқамни ушлардим. Болалар шундоққина дераза олдида шамолда ўтиришибди. Кечга яқин бир неча боланинг ҳарорати ошиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди.

Ўғлим сал шамолласа бўлди, бурни конаб кетади. Мунтазам бурнидан сув келади. Шунинг учун бир неча бор таъкидлаганимга қарамасдан, уни елвизакка рўпара қилишади. Тарбиячилардан нуқул: «Группани шамоллатишимиз керак-да», деган жавобни оламан. Ахир, шамоллатиш керак бўлса, болаларни ҳовлига олиб чиқиш ёки шу пайтда бошқа бир хонада мусиқа машғулотларни билан машғул қилиш мумкин-ку. Шўрлик ота-оналар касаллик варақаси олишга мажбур бўлишади. Маъмурият эса яхши иш бермаяпти деб, ҳатто бўшатиб юборишга ҳам шаъма қилади.

Ўғлим яхши эшитмайди. Шунинг учун қаттиқроқ гапиришга мажбур бўлади. Тарбиячи Маъмура Турсунова унга: «Қаттиқ гапирма» дегани-деган. Болалар шўхлик қилмасин деб бир сафга тизиб, тушгача қўлларини кўтариб туришга мажбур қилар экан. Мен бир неча бор: «Нега болаларга бундай қиласиз?» деб сўраганимда у: «Гапимга кирадиган бўлишади», деди. Яқинда ўғлимни олиб кетгани боғчага келсам, бутун группа кўчада юрибди. Елғизгина ўғлимни ҳожатхонага қамаб қўйибди. Жазони қаранг. Ҳовлидаги ўйин ҳам «ўзига хос»: болалар нимани хоҳласа шуни ўйнашади. Икки-уч тарбиячи скамейкада ўтириб олиб, суҳбатлашишади.

Агар болаларга муҳаббат бўлмаса, яхшиси болалар боғчасига кириб ишламаслик керак. Уч ойда бир марта шанба куни ишлаб чиқариш заруратидан ўғлимни боғчага олиб келсам: «Соат бирда олиб кетасиз!» деб «огоҳлантиришади». Боғча эмас, бошбошдоқ бир жой.

Е. ГУЛЯЕВА.

Болалар менюсида мева ва сабзавотлар бўладими?

Газетанинг 7 июль сонида эълон қилинган «Шикоят дафтарини беринг!..» мақоласида бир қатор муаммолар, шу жумладан болалар боғчаларини етарли миқдорда мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг болаларимиз саломатлиги учун ниҳоятда зарурлиги масалалари таъкидлаб ўтилган.

Илгари Киров районидаги болалар муассасалари мева ва сабзавот маҳсулотларини «Ташгосснабторг»нинг 18-магазинидан олардилар. Март ойидан бошлаб барча болалар боғчалари 2-Шимолий-Шарқ массивида жойлашган 13-магазин ихтиёрига ўтказилди. Натижада бир қатор қийинчиликлар туғила бошлади. Илгари бизга сабзавот маҳсулотлари (картошка, пиёз, помидор) олиб келишган бўлса, эндиликда эса уларни олиш имконияти йўқ. Ваҳоланки, ҳозир ёзги соғломлаштириш даври давом этмоқда. Биз эса менюга сабзавот ва мева маҳсулотларини киритишни билмай бошимиз қотмоқда. Ҳолбуки, (бизда, Ўзбекистонда) 13-магазинда мева ва сабзавотларнинг йўқлиги туфайли шундай бўлаётганлиги ачинарлидир. Гап шундаки, магазин учта районга хизмат кўрсатаяпти. Бошқа районлар уларга яқин жойлашган, эрталабданоқ улар сабзавот ва мева маҳсулотлари билан таъминланади. Бизлар эса Киров райони «ўгай»дек бўлиб қолаяпмиз. Транспортнинг йўқлиги туфайли шундай бўляпти.

Бундай узоқ масофада жойлашганлигимиз туфайли бир қатор болалар муассасалари бутун давр мобайнида атиги 20 килограммдан помидор, айримлари эса фақатгина карам олдилар, холос.

Келажакда «Ташгосснабторг»нинг 18-озиқ-овқат магазинини бузиш планлаштирилган. Ҳозирча бизнинг комбинатимизни Куйбишев районида жойлашган магазинлар ихтиёрига ўтказишга ваъда беряптилар. Наҳотки, болалар комбинатларини бир йўла Киров районининг ўзидаги магазинлар орқали мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини ҳал этиш қийин бўлса?!.

Киров район болалар муассасалари топшириғига биноан

З. ВОЛКОВА,
халқ контроли группаси раиси.

ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ БЕҒУБОРЛИГИ — «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ НАЗОРАТИДА

3. «РАҲМАТ, ҚОВУНИНГИЗ ШИРИН ЭКАН!..»

Олтин ёзнинг олтин ноз-неъматлари бозор пештахталарини безаб юборди. Мевали дарахтларда ранго-ранг етилган олма, ўрик, олча, олхўри, шафтолилар, сўриларда қанд бойлаган чиллаки узумлар, полизларда асал бойлаган қовун-тарвузлар тариқ пишди.

Бозорларни айланинг. Ранг-баранг мева-чеваларни кўриб дилингиз ҳушнуд бўлиб кетади. Улар шу қадар хилма-хилки, товус қанотидек товланади, тусланади, кўзга нур, қалбга ором беради. Шифобахшликда мананам деган доридан ҳам зўр ноз-неъматларни кўриб беихтиёр дил сўзини айтасиз:

— Раҳмат, бободеҳқон, ширин-шакар ноз-неъматлар яратган олтин қўлингиз дард кўрмасин!

Бозор-ўчарни Қорасув колхоз бозоридан бошладик. Хирмон-хирмон қовун-тарвузлар уюлиб кетган. Сариқ, кўкиш, оқ, қаймоқранг қовун-тарвузлар ранго-ранг товланади: ҳавас билан олтин ёмбидек қовунни қўлимизга оламиз. Чиройли жилмайиб турган деҳқонбобо илтифот билан дейди:

— Олинг ўғлим, қовун эмас асал ейсиз. Мана буни тотиб кўринг, — деҳқон ўроқ ойдек бир тилим қовунни қўлимизга тутқазади. Еб кўрдик: «Бай-бай-бай! Мунчалар ширин!».

— Қовунингиз жуда ям ширин, асал экан, раҳмат!

— Бу қаернинг қовуни, — деб сўради бир киши.

— Ғалаба районидан,— деди Олимжон Қураев. — У ернинг тупроғи бақувват, олтин десангиз ҳам бўлаверади.

Олимжон Қураев пойтахт областининг Киров номли колхозидан келган экан. Унинг қовун-тарвузи бозорнинг лабораториясида текширилганда 4,5 миллиграмм селитраси борлиги аниқланди.

— Раҳмат, қовунингиз бегидир чиқди, ҳалол одам экансиз, бозоримизда бемалол савдо қилаверинг, — дейишди.

Ҳалол меҳнат — соф роҳат! Покиза ноз-неъматларни етиштирган деҳқонлар гуруру ва севинч билан савдо қилишмоқда.

Шаҳримиздаги Фарҳод, Қорасув, Бешёғоч ва бошқа бозорларда қовун-тарвузлар хирмони мўл-кўллиги билан дилларни қувонтиради. Шуниси диққатга сазоворки, далафёрлар тайёрлаш курсини битирган ёш ҳайдовчиларни жалб этишдан бошлади. Бундан мақсад —бригада муқимлашган лойдқилликка барҳам бериш учун жўшқин, соғлом коллективни вужудга келтириш эди. Шунингдек, ёшларга меҳнатга муҳаббат, зиммадаги масъулиятни ҳис этишдан асосий хислатларни юқтириш осон кўчарди. Асосий гап юзага келган (бригада 32 кишидан ташкил топганди) мана шу кучни бошқара билишда эди. Э. Азаматов бошқарув жараёнини, ҳаракат графигини тўла йўлга қўйиш, шахсий назоратни кучайтириш ва машиналар созлигига эътиборни оширишдан бошлади. Ҳафта сайин бажарилган ишларни коллектив ўртасида сарҳисоб қилиб, эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликларни ҳам холисона шарҳлаб борди. Тажрибасиз ишчиларга, айниқса ёшларга ўз тажрибасини ўргатиб бориш билан бирга ликда йигитларнинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қилди. Бора-бора бригада ўртасида бир мақсад— бир маслак деган тушунча туғилди. Шахсий намуна кўрсатувчилар сафи кенгайиб борди. Куни кеча машина рулига ўтирган ёшлардан И. Эминов, Е. Аноутов, В. Мелгородскийлар кунлик кўрсаткичларни 105 процентдан 140 процентга қадар етказа бошладилар. Умум аҳвол эса йилнинг иккинчи, асосан учинчи ойидан бошлаб жиддий ўзгарди, илғорлар сафи кескин ошди. Аммо бу муваффақиятлар ишлаб чиқаришда бўлиб, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш борасида оқсоқлик сақланмоқда эди. Бироқ бу иш осонлик бикан кўчмасди. Чунки коллективда фақат ишлаб чиқариш планини кетидан қувиб, маданий хизмат кўрсатишга иккинчи даражали иш деб қаровчи ҳайдовчилар ҳам йўқ эмасди. Ушалар иккинчи даражали деб ўйлаган бу ишни асосий даражага кўтариш учун ҳам коллектив равишда кураш олиб борилди, яъни ўртоқлик назорати кучайтирилди.

Яқинда бригаданинг ярим йиллик плани сарҳисоб қилинди. Коллектив ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 мингдан ортиқ иқтисодий фойда келтиргани маълум бўлди. Бу кўрсаткич илғорлик томон ташланган дастлабки йирик одимдир. Коллектив йил охиригача пешқадам коллективлар сафидан ўрин олишга ҳаракат қилмоқда. Коммунист Эргаш Азаматовнинг ўзи эса айни вақтда шу йилнинг ноябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. У бошқарма бўйича илғор ва тажрибали ишчилардан саналади.

Н. НОРҚОБИЛОВ.



СУРАТЛАРДА: Тўкин ёз неъматлари. Фарҳод ва Қорасув бозорларида тилими тилни ёрадиган қовун-тарвузлар савдоси авжида.

А. Абалян фотолари.

СУРЪАТ ОШИБ БОРМОҚДА

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

УЛАН-БАТОР. Монголияда ёғоч тайёрлаш суръатлари ошиб бормоқда. Кейинги йилларда республиканинг ёғочсозлик саноати маҳсулот ишлаб чиқаришни қарийб икки баравар кўпайтирди.

Ўрмон — мамлакатнинг асосий бойликларидан биридир. Республика территориясининг деярли ўн процентини ўрмонлар билан қопланган. Тармоқ механизаторлари бу бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Ўрмон массивларини сақлаш ва кенгайтириш йўлида кўп иш қилинмоқда: янги кўчатзорларни вужудга келтирилмоқда, ўрмонларни тиклаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Ёғочсозликнинг самарали усулларига катта аҳамият берилмоқда.

Ҳозир тармоқ ходимлари ёғоч ишланган уйлар ва шу уйларга кўриб ўрнатиладиган мебель, паркет ва ёғоч-қиринди плиталари ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқдалар. Улан-Батор ва Эрдэнэтда янги ёғочсозлик комбинатлари қурилмоқда, ёғоч ташиш учун мўлжалланган юзлаб километр йўллар барпо этилмоқда.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

БЕРЛИН. Шу беш йилликда ГДР пойтахтидаги корхоналар ва комбинатларида 3,5 мингта саноат роботи ва манипуляторлари ишлай бошлайди. Берлиндаги корхоналар коллективлари вакилларининг саноат роботсозлиги масаласига бағишланиб, бу ерда бўлиб ўтган конференциясида шу ҳақда хабар қилинди. Мутахассисларнинг мўлжалларига қараганда, бу ҳол ишлаб чиқаришнинг бошқа участкаларида фойдаланиш учун 8,7 мингдан қўпроқ кишини бўшатиш имконини беради.

* * *

БУДАПЕШТ. Республиканинг йирик саноат маркази — Вишюнте шаҳрида энергетикларнинг тажриба ўртоқлашиш кунлари бошланди. Энергетиклар шу ерда жойлашган Ю. Гагарин номли иссиқлик электростанцияси ва М. Торез номли кўмир разрези коллективлари билан учрашадилар, уларнинг иш тажрибаси билан танишадилар, мамлакат ёқилғи-энергетика базасини янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қиладилар.

* * *

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Ғарбий Берлиндаги МСВ мебель фирмаси ишчи ва хизматчилардан 400 кишини ишдан бўшатишини эълон қилди. Фирма маъмурияти иқтисодий тушкунлик сабабли ишлаб чиқариш қисқарганлигини хабар қилди.

Ҳозирги вақтда Ғарбий Берлинда олий маълумотли 6 мингга яқин ишсиз бор. Улар орасида университет ёки институтларни битириб чиққандан кейин иш тополмаган кўплаб ёш инженерлар, ўқитувчилар, архитекторлар, юристлар бор.

Умуман ишсизлар жами олий маълумотли кишиларнинг 5 процентини ташкил этади. Ғарбий Берлин меҳнат маҳкамасининг хабарида уқтириб ўтилганидек, аҳолининг мана шу қисми ўртасида «ортиқча» кишилар армияси «келгусида ҳам шубҳасиз кўпайиб боради».

* * *

СИНГАПУР. Қурувчилар Сингапурнинг аҳоли зич жойлашган кварталида котлован қазиш вақтида оғирлиги 250 килограмм келадиган бомба борлигини аниқладилар. Бу ерга келган сапёрлар иккинчи жаҳон уруши даврида буён ер тагида ётган хавфли топилдиқни зарарсизлантирдилар.

ЮКСАК МАЖБУРИЯТЛАР

БЕРЛИН. Берлиндаги «Зекура» микроэлектроника заводининг меҳнаткашлари шу йил планидан ташқари 1,7 миллион маркалик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Республика ГДР пойтахтидаги ана шу энг йирик корхоналардан бири бўлган шу заводдан қўшимча равишда мураккаб ҳисоблаш қурилмалари, нусха кўчирадиган асбоблар ва бошқа техниканигина эмас, шу билан бирга кенг истеъмол молларини ҳам қўшимча равишда олади.

Юксак мажбуриятларни бажариш негизи йилнинг биринчи ярмидаёқ вужудга келтирилган эди. Илғор корхона коллективи шу давр ичида қўшимча суратда ярим миллион маркали маҳсулот ишлаб чиқариб, рекорд кўрсаткичларга эришди. Бу натижа, деб ҳикоя қилади завод директори Г. И. Нойхаус, фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш туфайли қўлга киритилди. Масалан, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган реконструкция қилиш давомида цехларда янги машина-ускуналар, жумладан серунум автомат линиялар ўрнатилмоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигини анча ошириш, энергия, хом ашё ва металларни тежаб қолишга эришиш имконини беради.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ
17 ИЮЛЬ, 1982 й.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

△ Қаҳр-ғазабнинг аввали — девоналик, оқибати эса пушаймонликдан иборатдир.

△ Оқил, олим ва фозиллар билан суҳбатлашиш, ота-она ва самимий дўстларнинг маслаҳатлари бўйича иш олиб бориш ва адабсиз, тарбиясиз одамлардан узоқлашиш мурод-мақсаднинг очқичидир.

△ Камчиликларимизни фош қилувчи душман — икки юзлама, риёкор, мунофиқ дўстдан хайрлидир, камчиликларимизни душман оғзидан эшитсак, дарҳол у камчиликларни битиришга ғайрат қиламиз, аммо икки юзлама, риёкор дўстлар эса бошимизга кўнгилсиз воқеалар келишига сабабчи бўладилар. Донишмандлардан бири: «Камчиликларимни айтиб, мени огоҳлантирганлардан миннатдорман», дер экан.

△ Кўнглида гина, адоват уруғларини сақлаган одамдан эҳтиёт бўлиш лозим. Эҳтиётли одам турли офатлардан омин бўлади.

△ Болаларни тарбиялашда ота-она ва муаллимларнинг диққатсизлик қилишлари тўғри эмасдир. Тарбиянинг асоси болаларни иш ва меҳнатга ўргатишдан иборатдир. Иш ва меҳнат одам боласининг ақли ортишига ва баданининг саломат бўлишига биринчи сабаб бўлгани тажриба билан билингандир.

△ Очиқ юз, ширин сўз, хушмуомалалик — одамни халқ қошида марғуб ва маҳбуб этади.

△ Алишер Навоий айтади:

Ҳусну жамолсиз киши
ширин калом эса,
Сайд айлар элни нуқта[1],
фасоҳат[2] билан деса.

△ Луқмони ҳаким айтади:

— Иффат — номуснинг энг қувватли таянчидир. Нафснинг ҳужумига шу қувват билан қарши турилади.

△ Суқрот ҳаким айтади:

— Душманимга ҳам адоват қилишдан сақланаман, чунки менинг адоватим унинг хусуматини яна ҳам кўпроқ орттиради. Агар у билан дўстона муомалада бўлсам хусуматини муҳаббатга айлантириб, уни ўзимга ром қилиб оламан.

△ Афлотун ҳаким айтади:

— Мен фидокорона қилинган меҳнатдаги роҳатни ҳеч нарсада кўрмадим. Вужудимнинг соғломлигини, жонимнинг саодатини иш, меҳнатда топдим.

△ Абу Али ибн Сино айтади:

— Ҳаё — инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир.

Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.

△ Шоир Аҳмад ибн Маҳмуд айтади:

Севилмоқ истасанг кишилар
аро
Сахий бўл,
сахийлик сени севдирар.

△ **Ҳикоят** — Қадимги арабларнинг «Умавия давлати» халифаларидан Абдулмалик ибн Марвоннинг Ҳажжож ибн Юсуф номли жудаям золим, ярамас бир амири бор эди. Бу золим амир Ҳижоз вилоятининг ҳокими эди.

Кунлардан бир кун Ҳажжож ов қилишга отланиб, тонг отмасдан илгари саройидан чиқди. Ҳали халқ уйқуда, дўконлар берк, кўчада бирорта одам кўринмасди. Ҳажжож шаҳардан чиқар экан, шаҳар дарвозасига яқин бир ерда бир дўкончани кўриб қолди. Дарҳол отини чоптириб шу дўконнинг ёнига келди. Дўкон эгаси камбағал бир киши эди, тонг ёришмасдан илгарироқ дўконини очиб, китоб ўқиб ўтирганди.

Ҳажжож золим ҳалиги камбағал дўкончига:

— Эй дўкон эгаси, мен бугун овга кетаётирман, саройимдан чиққан вақтимдан бошлаб, то шу ерга келгунимча йўлда ҳеч кимга учрамадим. Менга биринчи учраган одам фақат сен бўлдинг, биринчи марта сенинг юзингни кўрдим. Энди мен ирим қиламан: агар овдан хурсанд бўлиб, саломат қайтсам, инъом-эҳсоним билан сени хурсанд этаман, мабодо бир фалокатга учрасам, бошингни танингдан жудо қиламан, эшитдингми?— деб шаҳар дарвозасидан чиқиб кетди.

Овда Ҳажжожнинг оти бир нарсадан ҳуркиб, у золимни ерга ирғитди. Ҳажжожнинг қўли яраланди, қаттиқ оғриқдан сўнг шишиб кетди. У золим ўз саройига қайтиб келиб, табибни чақириб қўлини даволата бошлади. Қўли тузалгандан кейин ҳалиги камбағал дўкончини ҳузурига чақиртириб келиб унга:

— Овга кетарканман, менга биринчи учраган одам сен бўлдинг, биринчи марта сенинг юзингни кўрдим. Ўша вақтда ирим қилиб нима деганимни эсингдан чиқармаган бўлсанг керак. Юзинг шум юз бўлгани учун овда отдан йиқилиб қўлим яраланиб анча азоб тортдим. Энди бошингни танингдан жудо қиламан— деб жаллодни чақирди.

Камбағал дўкончи Ҳажжожга таъзим қилиб:

— Эй амир, сўзларингизнинг ҳаммаси тўғри, энди менинг бошимни кестирасиз, ўлимимдан олдин бир-икки оғиз сўз айтишга рухсат беринг,— деди. Ҳажжож рухсат бергач, у дўкончи:

— Эй амир, у кун сиз энг аввал менинг юзимни кўрганингиз каби, мен ҳам ўша кун энг аввал сизнинг юзингизни кўрдим. Ўша кун сиз менинг юзимни кўрганингиз учун қўлингиз яраланди, мен сизнинг юзингизни кўрганим учун мана энди бошим кесилади. Инсоф қилиб айтинг, кимнинг юзи энг нахс, шумли юз? Менинг юзимми, ёки сизнинг бетингизми?— деди.

Дўкончининг сўзларидан Ҳажжож завқланиб, хахолаб кулиб уни авф этди.

Байт:

Ҳар нимаки ўзингга
бўлмас писанд,
Тутма раво ўзгага,
эй аржуманд.

Олтин билан чақа пул

Бир кун бир чақа пулни олтин ёнига қўйган эдилар. Олтин бу ишдан жуда ҳам аччиғланиб чақага:

— Сени нега менинг ёнимга қўйдилар? Уларнинг бу қилган ишлари мени камситиш эмасми? Сендек тубан, ҳеч нарсага арзимайдиган нарса билан мен қандай қилиб бир ерда тура оламан, ахир?— деди.

Ақча мулойимлик билан олтинга шундай жавоб бериб, уни жаҳлдан туширди:

— Олтин ака, ҳақиқатан сизнинг қимматингиз мендан кўра буюкдир, буни инкор этмайман, аммо билингки, бир нарсанинг ҳақиқий қиммати бошқаларга манфаат етказиши даражасида бўлади. Масалан, шу ерга бир одам келиб эҳтиёжини арз этиб ёрдам сўраса, унинг эҳтиёжини битиришга ёрдам қилиш учун сизними, ёки менними кўндирадилар? Албатта, мени кўндирадилар, демак менинг ҳақиқий қимматим сиздан ортиқдир. Сиз бир ерда зерикиб ётаверасиз, мен эсам чўнтакдан чўнтакка тушиб айш қилиб юраверaман. Бир одамга ёрдам бериб, унинг эҳтиёжини битирсам, бошқа одамга ёрдам қилишга чопаман. Халқ мени севади, ўз чўнтагида авайлаб сақлайди.

Истиқбол нима?

Араб олимларидан Н. Ҳаддод айтади:

— Ўз фарзандларига яхшилик қилишни истамаган ота-она топилмаса керак. Шунга кўра, ҳар бир ота-она ўз фарзандларига уларнинг келгуси кунларда бошларидан ўтадиган аҳволлар ва даврларни, истиқбол учун керак бўладиган ҳозирликларни айтиб эслаприга тушириб туришлари лозимдир. Ота-оналарнинг фарзандларга абадий таянч бўлиб қолмасликларини, бир кун қариб-кучсизланишларини, ниҳоят бу дунёдан кетишларини, у вақт оила аъзоларини асраш фарзандларнинг ўзларига қолишини гўзал суратда англатиб туришлари керак.

Баъзи нодон ота-оналар ўзларининг қолдирадиган меросларига ишониб, болаларини тизгинсиз қўйиб юборадилар. Дунёда бундан ҳам буюк нодонлик йўқдир. Тизгинсиз болалари ниҳоят қандай қийин ҳолга тушишларини, маишат майдонида ҳайрон ва саргардон бўлиб юришларини эсламайдилар. Шундай нодон ота-оналарнинг фарзандлари ҳолига, вой!

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

1.— нуқта— нафис,молик ва мулойим сўз.
2.—фасоҳат —очиқ, мазмундор ва чечанлик.

КАШФИЁТНИНГ КЎЛАМИ: КОСМОСДАН ЕР ПЎСТЛОҒИГАЧА

Тошкентдаги бинокорлик материаллари институти «НИИстройпроект» олимларининг кашфиёти туфайли цемент иккинчи марта бунёд этилди. Цемент ишлаб чиқариш анъанавий жараёни узоққа чўзилади ва қимматга тушади. Бу материал мураккаблиги домна печларидан камлик қилмайдиган махсус печларда ҳосил қилинади. Оҳактош, гил ва бошқа қўшимчалардан иборат хом ашё қоришмаси 1400—1500 градус температурада пиширилади. Индустриямиз кўламларида бир йилда ўн миллионлаб тонна цемент пишириб чиқарамиз — бунга ўн миллионлаб тонна ёқилғи ва миллиард-миллиард киловатт-соат электр энергияси сарфланади.

Тошкентлик олимлар техник силикатлар физикаси, химияси ва минералогиясида илгари номаълум қонуниятни топиб, принципиал янги технология яратдилар. Цемент 1000—1100 градус температурада ҳам вужудга келиши мумкин экан. Бу эса ёқилғи ва электр энергия сарфини қарийб учдан бир ҳисса камайтиради. Паст температурада пиширилган цементдан қотирилган бетон синаб кўрилганида у «Классик» бетондан пишиқроқ бўлиб чиқди ва иссиққа ҳам, совуққа ҳам баб-баравар бардош бера олишини кўрсатди, ундаги арматура коррозияга камроқ дуч келар экан. Шундай қилиб, бу янгилик ҳаётга дадил кириб бормоқда. Ўзбекистонда яратилган тажриба-саноат технологик линияси жаҳон практикасида бекиёсдир.

Авторлар шу кашфиёт асосида 39 та ихтиро қилдилар. Шулардан 13 таси АҚШ, ГФР, Францияда патентланди. Цемент заводлари учун машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи етакчи чет эл фирмалари илғор совет технологиясига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. (ЎзТАГ).

Ҳинд куйлари ва рақслари ўз жозибаси билан гўзал. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-мактабда ўқувчи-ёшлар ҳинд тилини ўрганиш билан бирга куй ва рақслар ҳам ижро этишмоқда.

СУРАТДА: ўқувчилар ҳиндча рақс тушишмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

В. ОРИПОВ: Корхоналар ёки ташкилотларининг йўлланмаси билан ўқишга юборилганлар қандай имтиёзларга эга бўлишади?

Жавоб: Корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг йўлланмаси билан олий ёки ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга юборилиб, кириш имтиҳонларини топширган шахслар ўқишга биринчи навбатда қабул қилинадилар. Ўқув юртларининг програмасини ўзлаштирувчи студентларга уларни ўқишга юборган корхона ва ташкилотлар давлат йўли билан тўланадиган оддий стипендиядан 15 процент ортиқ стипендия тўлайди.

Ўқишни тамомлагач, ёш мутахассислар қоида бўйича йўлланма берган ташкилот (корхона)га ишга юбориладилар. Фақат шу ташкилот (корхона) рухсати билангина уларни бошқа ташкилот ёки корхонага ишга тақсимлаш мумкин.

* * *

Ш. ЖАЛИЛОВА: Кўп болали оналарга қандай нафақалар белгиланади?

Жавоб: Кўп болали оналарга бир йўла ва ой сайин бериладиган давлат нафақалари белгилаш кўзда тутилган. Бир йўла бериладиган нафақа учинчи бола туғилганда белгиланади ва бир ой ичида тўланади. Уч боласи бўлган оналарга тўртинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанд туғилганда бир йўла ва ой сайин бериладиган нафақа белгиланади. Бунда бир йўла бериладиган нафақа бола туғилганда тўланади. Ой сайин бериладиган нафақа эса бола туғилгандан кейин иккинчи йилдан бошлаб у беш ёшга тўлгунча тўланади.

* * *

И. ҲОШИМОВА: Ёлғиз оналарга давлат нафақалари белгилаш тартиби қандай?

Жавоб: Ёлғиз оналар давлат нафақалари белгиланиши учун ўзлари яшаб турган район социал таъминот бўлимига ариза билан мурожаат этишлари керак.

Ёлғиз (никоҳда турмаган) оналарга болаларни боқиш ва тарбиялаш учун 20 сўм миқдорида нафақа белгиланади ва бола 16 ёшга тўлгунча (ўқувчиларга 18 ёшгача) ой сайин тўлаб борилади.

* * *

А. ШОМИРЗАЕВ: Пенсияга чиқаётган кишилар касаба союз учётида қолишлари мумкинми?

Жавоб: Касаба союз аъзолари бўлган пенсионерлар соғлиқлари ҳолати ёки кексаликлари туфайли корхоналар ва муассасаларда ги ишни тўхтатган бўлсалар ҳам сўнгги иш жойларидаги касаба союз ташкилоти учётида қолишлари мумкин. Шунингдек, улар барча касаба союз аъзоларига бериладиган имтиёзлардан фойдалана оладилар.

* * *

А. ЖУМАБОЕВ: Маҳаллий Советларга қарашли уйда яшовчилар квартира хоналарини, яъни девор бўлмаларини қайта қуришларига рухсат бериладими?

Жавоб: Квартирадаги ҳамма хоналар, бевосита истиқомат қилинадиган хоналар ҳам, ёрдамчи хоналар ҳам мақсадга мувофиқ фойдаланилиши керак. Истиқомат хоналарини қайта жиҳозлаш ёки планировкасини ўзгартириш тегишли рухсатнома бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Ушбу қоидаларни бузган шахслардан келтирилган зарар қиймати тегишли тартибда ундириб олинади.

ШАНБА ОҚШОМИ

• *Дунё харитаси олдида*

Ўлим водийсида нима гап?

Водий сўзи талаффуз этилганда, ҳар доим кўз олдимизга гуллаб-яшнаган, серқуёш ўлкамизнинг дурдонаси бўлган Фарғона водийси келади. Табиатнинг ҳазилини қарангки, водийдан водийнинг фарқи бўлиб, уни дурдона эмас, балки Ўлим деб атаса ҳам бўларкан. Бу гал бир неча дақиқаларингизни Ўлим водийсига жалб этамиз.

Ўлим водийси майдони 7,8 минг квадрат километрга тенг, узунлиги 250 километрга бориб қоладиган, атрофи қорли чўққилар билан ўралган котловинадан иборат. У Америка Қўшма Штатларининг Калифорния штатининг ғарбий қисмида жойлашган. Ўлим водийси унчалик катта бўлмаса-да, дунёга донг таратган чўллардан биридир. Унинг табиати жуда ҳам ёқимсиз бўлиб, ёзда жаҳаннамнинг ўзгинасига айланиб кетади.

Ўлим водийсига бу ҳунук ном берилганига анча бўлган. Бунинг ўзига хос тарихи бор. Бу воқеа 1849 йили содир бўлган эди. Бу ерга олтин қидириб келувчилар водий унча катта бўлмаса-да, ундан чиқиб кетиш йўлини бир ой ахтаришган. Озиқ-овқат ва сув тугаган. Ниҳоятда чарчаган, хориган одамлар зўрға ҳаракат қилишарди. Кўпчилик водийдан чиқиб кета олган, лекин бу ерда абадий қолганлар ҳам бўлган. Кетаётганларнинг бири водийдан чиққач, «Алвидо, Ўлим водийси!» дейди. Шундан бери бу чўл шундай қўрқинчли ном билан аталади. Аммо олтинларга эга бўлиш нияти одамларни қийинчилик ҳам, бу қадар қўрқинчли ном ҳам тўхтата олмади. Ўлим водийси картасида ундан ҳам қўрқинчли Тобут ғори, Ўликнинг ўтар жойи, Дўзах дарвозаси ва бошқа жой номлари пайдо бўлди.

Ўлим водийсининг ажойиб томонлари кўп. Бу ерда ғарбий ярим шардаги энг паст жой — денгиз сатҳидан 85 метр паст бўлган, кенглиги 30 километр келадиган шўрхок кўлдан иборат.

Водий энг иссиқ жой деб ҳисобланади. Бу ерда 1913 йили икки метр баландликда 56,6 даража, чўлнинг устки қисмида 80 даражагача жазирама кузатилган. Бу водийда ёз ойлари саёҳат қилиш тавсия этилмайди. Бу қадар иссиқда одам соатига бир литрдан намлик йўқотиб, ҳолдан тойиб қолиши мумкин. Шу сабабли чўлда ҳар йили бир неча одам ўлиб туради.

Хўш, одамларни ўзига чорлаган бу ерларда ҳақиқатан ҳам олтин кўпми? Ўлим водийсида олтин, кумуш бор, лекин ишлаб чиқариш учун етарли эмас. Аммо тальк, глауберовой типидаги тузлар кўп топилади.

Туз, шағал, қум, лой, тоғ қоялари мавжуд бўлган бу жойларни севиш жуда қийин. Назарингизда чўлда ҳаёт тўхтаб қолгандай. Лекин бундай эмас. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бой бўлмаса-да, аммо хилма-хилдир. Ўлим водийсида ҳаммаси бўлиб ўсимликларнинг 22 хили мавжуд бўлиб, улар нимжон ва пастқам ўсади. Бундан ташқари, бу ерда қушларнинг 230 тури, илонларнинг 20 тури, кўршапалакларнинг бир неча тури, ўргимчак ва қурт-қумурсқалар кўп топилади.

Водий атрофидаги тоғ ёнбағирларида тоғ эчкиси — толсторог, суғурук, пакана тулкилар, кичик сичқонлар мавжуд. Бу ерда балиқ ҳам топилади. Унинг номи папориш бўлиб, водийнинг шўр ва иссиқ сувларида сузиб юради.

Кўп жойларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари бор. Бу жиҳатдан Ўлим водийси ҳоли. Калефорниядаги бу водийга ўхшаш табиатли ерни сайёрамиздан қидириб тополмайсиз.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

Машина деталларини излаб... чўлга

Ўрмончи Абдулла Йўлдошев ғалати бир буюртмани бажарди: Марказий Фарғона чўлидан Наманган атлас комбинатига... пиллакашлик машина деталларини келтирди.

Абдулла ва унинг ўрмончи ўртоқлари чўлда ўсадиган гулсафсар илдизини тайёрловчи моҳир усталардир. Қалин ва пишиқ супургидек серпоҳ гулсафсар илдизи (уни боғда ўсадиган гулсафсар билан алмаштирманг! унинг ажойиб бир хоссаси бор. У буғлаш машиналаридаги пилла ипи учини илиб олиб, калава ўраш автоматларига узатади.

Гулсафсар илдизини бошқа бирон нарса билан алмаштириш ҳали натижа бергани йўқ. Наманган атлас комбинатининг бир ўзгина ҳар йили бир ярим тонна гулсафсар илдизи ишлатади. Йўлдошев бригадаси Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжондаги, Россия Федерациясининг шаҳарлардаги бошқа кўп пиллакашлик корхоналарига ҳам илдиз жўнатиб туради.

Абдулла Йўлдошев бригадаси бу йил қарийб 4,5 тонна табиий «запас қисмлар» тайёрлайди.

(ЎзТАГ).

Шаҳримиз боғларида болалар ёз гаштини суришмоқда. А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида уч от қўшилган араваларда кичкинтойлар мароқ билан сайр қилишяпти.

Ҳ. Шодиев фотоси.

ЯНА ЭЛЛИКТАГА КЎПАЯДИ

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасига қарашли 3-таксомотор паркида бензин ўрнига газ билан юрадиган машиналар сони ортиб бормоқда. Ҳозир корхонадаги 195 та машина газ билан юради.

Шаҳримиз кўчаларидаги такси машиналарига назар солсангиз баъзиларининг қайси такси паркига қарашлилигини билдириб турадиган ёзувлари ўрнида «ЭПАП» деган ҳарфлар ёзилганлигини кўрасиз. Бу ёзувли машиналар 3-такси паркининг машиналари ҳисобланиб, эндиликда парк Тошкент экспериментал автотранспорт ишлаб чиқариш корхонаси деб юритилади.

Йил бошидан бери корхона газ билан юрадиган машиналардан 15 та олди. Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили охирига қадар яна 35 та олади.

Шунақаси ҳам бўлади

◆ Велосипедда тезликни қай даражагача ошириш мумкин? 1962 йили француз Жозеф Майффре олдиндаги ҳаво қаршилигини кесиб ҳаракатланаётган автомобилга жипс ҳолда изма-из велосипед ҳайдаб соатига 204,7 километр тезликка эришган.

◆ Шамолни қувиб ўтиш елканли чана спорти мастери америкалик Жон Бакстуффга насиб этган. 1938 йили у ўз чанасида соатига шамол тезлигида, яъни 115 километр тезлик билан ҳаракатланиб, тезликни соатига 230 километргача оширди.

Ҳар тўғрида

СОҚОЛ ОЛИШГА АРЗИГУЛИКМИ!

Эркакларнинг соқол-мўйлов олишлари учун кўп вақт кетадими? Маълум бўлишича жуда кўп. Кексалик ёшга етган ҳар бир эркак ўз ҳаётининг 3300 соатини мазкур юмуш учун сарф этар экан.

ТРАКТОРДА САЁҲАТ

Ғарбий Германиянинг Эссен шаҳрида яшовчи студент М. Клюкен қарийб бир ярим йил давомида Европа бўйлаб ҳийла эски тракторда саёҳат қилмоқда. Талаба ўзининг бу ғалати қарорини автомобилни расмийлаштириш учун 900 марка, трактор учун эса — 100 маркагина тўланади, деб изоҳлайди.

Бундан ташқари, унча катта бўлмаган тезлик теварак-атрофни тўлиқ англаб олишга имкон беради. Клюкен соатига 17 километр тезликда ҳаракатланмоқда.

Ф. ОРИПОВ.

• *Дам олиш соатида*

ЦИКЛОКРОССВОРД

Азиз оқшомхон! Қуйида таъриф этилган сўзларни шаклда белгиланган хонадан бошлаб, соат стрелкаси йўналишида ёзиб чиқиш йўли билан циклокроссвордни ҳал этинг.

1. Новвойликда фойдаланиладиган уруғи хушбўй ўсимлик. 2. Тоғ жинси, минерал. 3. Географиядан ўқув қуроли. 4. Хамирли таом тури. 5. Катта қатнов йўл. 6. Африка халқларининг музика асбоби. 7. Тасвирий санъат ижодкори. 8. Доимий яшил жануб дарахти. 9. Қирилиб кетган филсимон ҳайвон. 10. Кавказда яшовчи миллат. 11. Ширинлик тури. 12. Ўрта Осиёдаги тоғ.

Тузувчи: **О. АЗИМОВ.**

26 ИЮНДАГИ «НАРАНХИТО» —ФУТБОЛ ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Бильбао. 2. Озеров. 3. Ванденберг. 4. Гондурас. 5. Сангес. 6. Сантана. 7. Аргентина. 8. Ассад. 9. Далглиш. 10. Шмидт. 11. Трезор. 12. Рафер. 13. «Риасор». 14. «Расаледа». 15. Авеланж. 16. Жазоир. 17. Румменигге. 18. Европа. 19. Арконада. 20. Арчибальд. 21. Дахлеб.

* * *

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга О. Нодиров, А. Аюбов, М. Каримова, С. Илхомов, Т. Назарова,Ш. Солихов, К. Нурматов, М. Ирисхўжаев, Д. Тожиева, Ш. Юнусова, К. Воҳидов ва бошқа кўплаб оқшомхонлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган ўртоқларга редакция ташаккур билдиради.

КИЗИҚАРЛИ ПАЗАНДАЛИК

ҒАРОЙИБ МАСАЛЛИҚ

Ўзбекистонда бу ўсимлик ем-хашак олиш мақсадида яқиндагина экила бошланди. Бу дуккакдошлар оиласига мансуб ўтсимон ўсимликнинг номи соядир. Аслида соя инсон насибасининг ғаройиб неъмати бўлиб, илдизидан гулигача анвои таомлар тайёрланади. Асли ватани Шарқий Осиё ҳисобланади, аммо у эндиликда 70 мамлакатда экиладиган бўлган. Соядан энг кўп ҳосил марказий Америкада олинган. Унинг тўқтурарлиги жуда юқори бўлиб, таркибида 25—45 процентгача оқсил, 20—32 процентгача шакар моддалари, 12—36 процентгача ёғ мавжуд.

Сояда инсон саломатлигини сақлаш учун энг муҳим дармондориларининг барчаси бор, айниқса В ва Е белгили дармондорилар жуда мўлдир. Вьетнам, Япония, Корея ва бошқа Осиё мамлакатларида ҳамда Мексикада соя донини ун қилиб тортиб нон ёпадилар ва худди сутга ўхшаган ичимлик ҳозирлайдилар. Соядан оқсилга бой, таъми нордон-ширин творог тайёрлаш ҳам мумкин. Барги ейилса худди исмалоқ мазасини беради, кўзоқлари думбил ловиянинг ўрнини босади, хом дони яшил нўхат таъмида ғоят лаззатли, пишиб қотган дони эса оқсил, ёғ олиш учун ишлатилади, шундайлигича, ёки туйиб, ёрма қилиб суюқ ошлар пиширилади. Илдизида майда-майда бўртмалари бўлиб, буниси картошка ўрнини босади, гулидан бамисоли қўзиқорин таъмини эслатадиган таом тайёрлаш мумкин.

Танасини туйиб дамланса, худди кофега ўхшаган ичимлик ҳосил бўлади. Яхши сарғайиб пишган донидан эзиб олинган ёғ худди зайтун мойига ўхшаган нафис бўлади.

Ишончим комилки, келажакда ўзбек пазандалари ҳам мана шу ғаройиб масалликдан турли ва лаззатли таомлар тайёрлайдиган бўладилар. Соядан ҳатто гўшт мазасини берадиган овқатлар пиширса бўлади.

К. МАҲМУДОВ.

РАССОМ ТАБАССУМИ

— Гардероб ишлама япти, биз ҳам кийимларимизни шу дарахтга оса қолайлик.

— Танимай қолдингми, мен Қора денгиздан дам олиб келаётган эринг Шодивойман.

— Аризангизни сўраяпсизми, ҳозир кўриб чиқаман.

— Тезроқ юр, иш вақти тугаяпти.

А. Ҳакимов расмлари.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

17 ИЮЛЬ, 1982 й.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ҳафталик программа

19 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Магниткадан Амургача». Совет қўшиқларидан концерт. 10.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 11.05 Болалар учун фильм. «Капитан Энрикенинг соати». 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқ коммунистларининг ишлари ва ташвишлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.10 «Оналар мактаби». 16.40 С. Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт.

17.15 «Аванте, камарада! Олга, дўстим!». Телевизион ҳужжатли фильм. Сиёсий шарҳловчи И. Фесуненко сўзи билан бошланади. 18.15 «Стадион ҳамма учун». 18.45 «Партия планлари— халқ планлари». Қишлоқда уй-жой қурилиши ҳақида. Саратов области мисолида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан ва техника» киножурнали. 19.40 К. Симонов. «Рус кишилари». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм спектакли. 21.30 «Время». 22.05 «Рус кишилари» фильм-спектаклининг давоми. 23.30 «Дунё воқеалари». 23.15 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Қадимий Владимир тупроғида», «Урал ўрмонининг эҳсонлари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

Профилактика муносабати билан душанба. 19 июль куни Марказий телевидениенинг II программасида кўрсатувлар намойиш этилмайди.

Узбекистон телевиденесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ўрмон қўриқчилари», «Тугун кўтарган бола». Мультфилмлар. 18.30 «Қувноқ пионер ёзи». 19.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат». 19.30 «Ахборот». (рус). 19.45 «Боротан» қаньони». Фильм-манзаралар. 20.05 «Санъатга йўл». А. Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институти. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Санъатга йўл». А. Островский номли театр ва рассомчилик институти (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Тиль ҳақида афсона». 1-фильм. «Класс кули». 1-серия. 23.35 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Она тили. 18.40 «Тоза қоғоздаги биринчи ёзув». Телефильм. 19.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Хотирада ҳамиша» (рус). 20.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 21.00 «Дала шийпони — ғоявий ишлар маркази». 21.30 МТ II.

20 ИЮЛЬ—СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Халқаро конкурс лауреати Р. Хундария чаладн. 9.50 К. Симонов. «Рус кишилари». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.15 Литва телевидение студияси ҳужжатли фильмлари программаси: «Клайпеда», «Каунас расмлар галереяси». 16.05 Болалар учун фильм. «Зимародок»

17.30 Колумбия миллий балети артистларининг концерти. 18.05 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Оз бўлсину соз бўлсин». 18.35 Д. Кабалевский. С. Маршак таржимасида Шекспирнинг 10 та сонети. УССР халқ артисти А. Бойко куйлайди. Одессадан олиб кўрсатилади. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс жюри аъзоларининг чиқиши. Кўрсатувни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, композитор Т. Н. Хренников олиб боради. 20.10 «Экранда— кинокомедия». «Биринчи қўлқоп». 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида С. Наровчатов поэзияси кечаси. 23.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Мультфильмлар программаси: «Тойчоқ», «Қўзиқоринлар қандай қилиб нўхот билан жанг қилишди». 9.50 «Мирний». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.15 «Звездочёт» телевизион журнали. 11.00 Ўсмирлар ижоди. 11.30 Француз тили. 11.55 Болалар учун фильм. «Броиза қуш». 1- ва 2-сериялар. 14.05 Давлат Марказий концерт залида совет қўшиқларидан концерт. 15.25 Езувчи Николай Бирюков. 15.55 Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 16.40 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 Кабарда-болқар АССР «Кабардинка» Давлат рақс ансамблининг концерти. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) —«Динамо» (Москва). Киевдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденниесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Қувноқ камалак». Фильм-концерт. 12.00 Абитуриентлар учун. «Иншони қандай ёзиш керак». 12.30 «Тил ҳақида афсона». 1-фильм. «Класс кули». 1-серия.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Соябон». Мультфильм. 18.10 «Шоирлар — болаларга». 18.40 «Абитуриент — 82» В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети (рус.). 19.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта. Тошкент экскаватор ремонти тажриба-механика заводидан репортаж. 19.30 «Ахборот (рус). 19.45 Адабий альманах. 20.30 «Ахборот». 20.50 Қ. Юсупов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Озиқ-овқат программаси —халқ фаровонлигининг асоси». 22.35 «Тиль ҳақида афсона». 1-фильм. «Класс кули», 2-серия. 23.50 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Химия. 18.40 Болалар учун фильм. «Браконьерларни овловчи (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Совет Иттифоқининг шаҳарлари». Кинопрограмма. 21.00 «Чинор» Илмий-оммабоп программа (рус). 21.30 МТ II.

21 ИЮЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 М. И. Глинка номли Ленинград Давлат академик капелласининг концерти. 10.15 «Бремен созандалари». «Бремен созандаларининг изидан». Мультфильмлар. 10.55 «Биринчи қўлқоп» Бадиий фильм. 12.15 «Бутун боғда». Фильм-концерт. 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Ўз истеъдодингни топ», «Жазилбек ота». 15.55 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 16.55 «Объектив».

17.30 «Фан оламида». Микробиология. 18.00 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.45 «Экономика тежамли бўлиши керак». Киров областидаги энг яхши хўжаликларнинг тажрибаси ҳақида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Ёшлар адреслари». ВЛКСМ XIX съездининг делегати. Рязань областидаги «Покровский» совхозининг бош инженери В. Мешчеряков билан учрашув. 19.50 Польша Халқ Республикасининг миллий байрами. Тикланиш кунига. Кинопрограмма. 20.35 Зелена Гура шаҳрида совет қўшиқлари фестивали (ПХР). 21.30 «Время». 22.05 Совет спортчилари Олимпиада ўйинларида қатнаша бошлаганликларининг 30 йиллигига бағишланган спорт программаси. Олимпиадачилар билан учрашув. «Олимпиада, сен гўзалсан». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.40 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Икранинг йиқилиши». Телевизион бадиий фильм. (ЧССР). 11.00 Илмий-оммавий фильмлар программаси. 11.35 «Фёдор Трофимович. ва бошқалар...». 2-кўрсатув. Кўрсатувда Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун иштирок этади. 12.05 Мультфильмлар программаси: «Айёр қарға», «Офтобжоннинг денгизда сузиши». 12.30 Физика. «Менга таянч нуқтасини топиб беринг». 13.00 Болалар учун фильм. «Броиза қуш». 3-серия. 14.05 Немис тили. 14.35 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси: «Кемасозлар», «Касбим — шофёр». «Тажрибада синаб кўрилган». 15.30 Грузия ССР фанлар академияси «Фазиси» фольклор ансамблининг концерти. 16.00 «Поэзия». «Владимир Маяковский». 16.45 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.50 «Менинг жонажон ўлкамда». Фильм-концерт. 19.00 Спорт ҳафталиги. 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Синхрон сузиш бўйича СССР чемпионати. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия, «Уйга».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Генерал Топтигин». Кўғирчоқ фильм. 11.45 «Бизнинг қўшиқларимиз». Фильм-концерт. 12.15 «Тиль ҳақида афсона». 1-фильм. «Класс кули». 2-серия.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тулкини миниб», «Қувноқ дельфин». Мультфильмлар. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 19.00 «Абитуриент —82». Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти. 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани» (рус.). 20.15 «Дарё ёқалаб». Катталар учун мультфильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 СССР халқ артисти Саодат Қобулова куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Тиль ҳақида афсона». 2-фильм. «Яшасин, қашшоқлар». 1-серия. 23.35 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Учиб кетманг, оққушлар». Телефильм. 18.25 Абитуриентлар учун. Биология. 18.55 Болалар учун фильм. «Кашф этилмаган ороллар» (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма. 21.30 МТ II.

22 ИЮЛЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Тугай чалади (арфа). Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.05 Мультфильмлар программаси: «Фантазия», «Учувчи кема». 10.35 «Киносаёҳатчилар клуби». 11.35 «Н. Римский-Корсаков уйида». Фильм-концерт. 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик— ҳар биримизнинг ишимиз». Хужжатли фильмлар программаси: «Ҳамманинг эътиборидаги гигант кишилар», «Балли, хотин-қизлар», «Эътиборингизни шунга жалб қиламанки...», «Сўнгги десант». 16.15 «Сен қонун биласанми?». 16.55 Болалар учун фильм. «Қария».

18.10 «Мамлакат далаларида». Олтой ўлкасида озуқа жамғариш ҳақида. 18.25 «Биргаликда ақил оиламиз». 18.55 «Электро-82» халқаро кўргазмасидан репортаж. Кўрсатувда СССР электро-техника саноати министри А. И. Майорец иштирок этади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». «Муаммолар — изланишлар — ечимлар» туркумидан. Кўрсатувда СССР Гўшт ва сут саноати министри С. Ф. Антонов, СССР Балиқ хўжалиги министри В. М. Каменцев, СССР Сабзавот-мева хўжалиги министри Н. Г. Козлов, СССР Озиқ-овқат саноати министри В. П. Ленн, матлубот жамиятлари Марказий Союзи правлениесининг раиси А. А. Смирнов, СССР Савдо министри А. Н. Струев ўртоқлар иштирок этишади. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. Кўрсатув тугагач — Концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Катта ёшдагилар учун контроль иш». 1-кўрсатув. 22.40 Дунё воқеалари». 22.55 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Кубань Давлат казаклар хорининг концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Ашхобод Озодлик проспекти», «Дарё ортида. Луганкада». 10.05 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. Уйга».

11.15 «Горнчилар, қаердасиз?». 12.00 В. Шекспир. Ромео ва Жульетта». 13.10 Испан тили. 13.40 Шахмат мактаби. 14.10 «Уларни театр кутяпти». Хужжатли фильм. 14.30 «Балет ҳақида», СССР халқ артисти Н. Тимофеева. 15.35 «Манеж қироли». Бадиий фильм (субтитр билан).

18.30 Янгиликлар. 18.45 5-«А»даги «Кулибинлар» Илмий-оммабоп фильм. 18.55 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс қатнашчиларининг чиқиши. 19.40 «Талабларингизга биноан учрашувлар». Кўрсатувда СССР Қора металлургия министри И. П. Казанцев Рангли металлургия министри П. Ф. Ломако, металлургия саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси И. И. Костюков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Азовсталь» заводининг пўлат қуювчиси Г. Я. Горбань ва бошқалар иштирок этади. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Тоғ паҳлавони». Телевизион ҳужжатли фильм (Испания). 21.30 «Время». 22.05 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. «Командирнинг соати».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильм. «Яна бир қувончли кун». 11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари» (такрорий). 12.20 «Тиль ҳақида афсона». 2-фильм. «Яшасин қашшоқлар». 1-серия.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Юмронқозиқ ҳайвонот боғида», «Коля, Оля ва Архимед». Мультфильмлар. 18.30 «Ешлик студияси кўрсатади. «Студентлик—олтин даврим». 19.00 Доимо изланишда». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шеърият билан учрашув». Н. Нарзуллаев. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Пахтакорларнинг шу кунги долзарб вазифалари». 22.25 «Тиль ҳақида афсона», 2-фильм. «Яшасин қашшоқлар». 2-серия. 23.40 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Химия. 18.45 Реклама. 19.10 «Ҳовлидаги стадион (рус.). 19.40 Янгиликлар. 20.00 «Кононир Доласининг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия. (Польша). 21.30 МТ II.

23 ИЮЛЬ— ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 10.15 «Мен ўз диёримни севаман». Фильм-концерт. 11.05 Болалар учун фильм. «Епиқ шаҳар». 12.15 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 СССР Ҳарбий-Денгиз флоти кунига. «Океандаги вахта». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.15 «Рус тили». 16.45 «Қўшиқларимиз сенга, мамлакат». Фильм-концерт. 17.10 «Подмосковье. Озиқ-овқат программаси амалда».

17.40 «Шахмат мактаби». 18.10 «Оддий мўъжизалар». 18.40 «Миср: йиллар ва муаммолар». 19.00 «Ўрмон қучоғида». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Москва бўйлаб сайр». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Халқ чолғулари садолари». Зарбли асбоблар. 20.30 «Бешинчи баҳор». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 М. Горький номли Москва Бадиий Академик театрида ёш ишчилар, колхозчилар, студентларнинг СССР Москва Бадиий Академик театри ҳузуридаги В. Немирович-Данченко номли мактаб студиясининг битирувчилари билан учрашуви. 23.00 «Дунё воқеалари». 23.20 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 9.45 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. «Командирнинг соати». 10.15 Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 11.25 Бутуниттифоқ конкурсининг лауреатлари Б. Азов (баян). О. Глухов (балалайка) чалади. 11.45 «Санъатга хизмат қилиб». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.20 «Ғозча қандай қилиб тулкини овлади». Мультфильм. 12.30 Инглиз тили. 13.00 Болалар учун фильм. 14.05 «Оналар мактаби». 14.35 Останкино концерт студиясида ёзувчи Г. Троепольский билан учрашув. 16.05 «Украина бандурасининг жарангдор даҳлари». Телевизион музикали фильм. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.50 «Ерда, осмонда ва денгизда». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «1985 йил қўшиқлари». Еревандан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. «Трап қирғоқда қолади».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун концерт (такрорий). 12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 12.30 «Тиль ҳақида афсона». 2-фильм. «Яшасин қашшоқлар». 2-серия.

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Айиқ ва қуён». Мультфильм. 18.05 «Шеърият дафтаридан». Ўткир Рашид. 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.45 «Ахборот». (рус.). 19.00 «Ҳамкорлик шартномаси— амалда». «Тошкент тўқимачилик комбинати: реконструкция муаммолари». «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди. 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —Зенит» (Ленинград). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —«Ахборот». 21.15 «Тоғ кўлларининг сирлари». Хужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 Алп Жамол «Ғизғизон». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 24.00 Янгиликлар

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Абитуриентлар учун. Биология. 18.45 «Халқ фаровонлиги учун» (рус.). 19.15 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 19.45 Янгиликлар. 20.05 «Канонир Доласининг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия. (Польша). 21.30 МТ II.

24 ИЮЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 Ереван шаҳар болалар бадиий коллективларининг концерти. 10.15 «Фёдор Трофимович ва бошқалар...». 3-кўрсатув. Кўрсатувда Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун иштирок этади. 10.45 «Спортлото»нинг 30-тиражи. 10.55 «Жаҳон халқларининг ижоди». 11.25 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 12.00 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби Тинч океан флотининг 50 йиллигига. 15.30 Болалар учун фильм. «Қуруқликдаги довул». 14.50 «Дунё воқеалари». 15.05 «Ҳайвонот оламида». 16.05 «Эртага — Савдо ходимлари куни». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Савдо министри А. И. Струев иштирок этади. 16.30 «Табрикларимизни қабул этинг». 17.15 «Золушка». Мультфильм.

17.35 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Тула область партия комитетининг биринчи секретари Ю. Х. Юнак иштирок этади. 18.20 «Монт орноль». Телевизион спектакль премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 23.50 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 Савдо ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 10.00 «Учинчи ўлчаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Трап қирғоқда қолади». 11.15 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.45 «Асли болаликдан», Р. Погодин. «Кешка ҳақида ҳикоялар». 12.30 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. 13.40 «Халқ оҳанглари».

ЧЕЛЯБИНСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

14.00 Челябинск шаҳри ҳақида кинолавҳа. 14.10 «Инсон заводга — завод инсонга». Киноочерк. 14.30 «Биз Уралда яшаймиз». Концерт программаси. 15.00 «Қувноқ стартлар». 15.45 «Биз ёқтирган қўшиқлар». Телевизион музикали фильм. РСФСР халқ артисти Л. Гурченко иштирок этади. 16.25 «Инсон — ерга хўжайин». Кўрсатувни «Известия» газетасининг шарҳловчиси А. З. Иващенко олиб боради.

17.30 «В. В. Нежданова уйида». 18.45 «Халқаро обзор». 19.00 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1946 йил. 20.00 «Музикали киоск». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 «Тузатилгани тўғри». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси.

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Евуз». Бадиий фильм. 11.45 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 12.15 СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига. «Денгизчилар мактаби». (рус.). 12.45 Ўзбекистон телевидениеси халқ чолғулари ансамбли ижросида ўзбек куйлари. 13.10 «Жанговар постда». 13.40 Савдо ходимлари кунига. «Табассум учун миллион». «Кичкинтой». Телефильмлар. 14.30 Шахмат мактаби.

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Фарзандим — жигарбандим». И. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Қозоғистон ССР халқ артисти Гулвира Розиева куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун». 22.30 «Экранда — кинокомедия». «Маҳаллада дув-дув гап». 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Костёр». 19.00 «Фан» программаси. 19.20 «Экран ва ҳаёт». 20.00 «Ахбор». 20.25 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Тожикистон ягона оилада». 21.00 Концерт. 21.30 МТ II.

25 ИЮЛЬ— ЯКШАНБА

СССР ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Тоғлар ва чўллар қўшиғи». Фильм-концерт. 10.25 «Будильник». 10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.55 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.40 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.10 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 13.25 «Музикали киоск». 13.55 «Қишлоқ янгиликлари». 14.55 «Флория Тоска» Музикали телевизион фильм премьераси. 16.50 Мультфильмлар программаси.

17.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.15 «Бугун —СССР Ҳарбий Денгиз флоти куни». СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, СССР Ҳарбий-Денгиз флотининг Бош қўмондони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи флоти адмирали С. Г. Горшков сўзи. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган концерт. 20.00 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.

21.30 «Время». 22.05 «Ҳозирги замонда ёзувчи». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, «Литературная газета»сининг Бош редактори А. Б. Чаковский сўзи. 22.25 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс якунлари. 23.40 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 «Зарядкага сафланинг!». 9. 20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 10.25 «Тузатилгани тўғри». Бадиий фильм. 11.45 «Чашмалар». Музикали программа 12.15 Мунозара клуби. 13.15 Илмий-оммабоп фильм. 13.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 14.25 Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 16.00 Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.30 Сиёсий қўшиқлар концерти.

18.05 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 19.10 Осипов номли Давлат рус халқ оркестри солистлари квартетининг концерти. 19.30 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1947 йил. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Қалбга яқин қўшиқлар». 21.30 «Время». 22.05 «Номаълум актёр ҳақида қисса». Бадиий фильм. 23.20 Велоспорт бўйича СССР чемпионати. Трекда мусобақа. «Крилатское» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси.

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо». ҚҚАССР ва Ўзбекистон ССР областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда— Самарқанд области (такрорий). 12.05 «Қувноқ стартлар». 13.05 «Уни капитан деб аташарди». Бадиий фильм. 14.30 «Оналар мактаби». 15.00 «Ўзбекистон спорти». 15.30 Реклама.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Уйлаб топ». (рус.). 18.35 Бугун —Савдо ходимлари куни. 18.50 «Ешлик» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Цирк, цирк, цирк». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ўринбой Нуралиев концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Шифокорлар саломатлик посбонлигида». Кўрсатувда Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри А. Худойберганов иштирок этади. 22.35 «Омадли «Чўртан» командири». Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 Экран—болаларга. 17.30 «Типратикон ва бошқалар ҳақида». Телефильм. 17.50 Фильм-концерт. 18.20 Ленин йўли райони болалар ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.50 Бағишлов концерт. 19.35 «Новинки» киноклуби. 20.50 «Инсон ҳақида ўйлар». 21.30 МТ II.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиш мумкин.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

КИНО

17 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БУНЁДКОРЛАР» — Қозоғистон.
«БОЛТИҚ НАВОЛАРИ»— Искра.
«ҚЎШИҚЛАР БАЙРАМИ» — Нукус.
«ИШОНЧЛИ ВОСИТА» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.
«АКА-УКА ҚОРАБОЕВЛАР» — Москва.
«УЛКАН БАЛЕТ» —Дружба.
«ВАТАНИМНИ КУЙЛАЙМАН» — Лисунов номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«УЗГАНИНГ БАЙРАМИДА» — Дружба (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), Хива (22.00, телефон 32-78-02).

«СУКУНАТ ҲАЙҚИРИҒИ» — Ҳамза номли (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), Искра (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«АЧЧИҚ ШУВОҚ ЎТИ» —Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61). Дружба (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), Чайка (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), Фестиваль (21.45, телефон 32-78-02).

«РАССОМ РАФИҚАСИНИНГ ПОРТРЕТИ»— ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). Тошкент Советининг 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ОФИЦИАНТ, ҲАҚИНГИЗНИ ОЛИНГ»— Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), Узбекистон ССР 25 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 53-65-87), Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПЕТРНИНГ ЕШЛИГИ»— Ғ. Ғулом номли (17, 20.00).

«КАРНАВАЛ»— К. Ерматов номли (17, 18, 20, 21.00, телефон 24-22-66).

«XX АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

18 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«УЗГАНИНГ БАЙРАМИДА» — Дружба (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), Хива (22.00, телефон 32-78-02).

«СУКУНАТ ҲАЙҚИРИҒИ» — Ҳамза номли (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), Искра (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«АЧЧИҚ ШУВОҚ ЎТИ» —Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), Дружба (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), Чайка (жуфт соатларда; телефон 77-06-20), Фестиваль (21.45, телефон 32-78-02).

«РАССОМ РАФИҚАСИНИНГ ПОРТРЕТИ» —ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ОФИЦИАНТ, ҲАҚИНГИЗНИ ОЛИНГ» — Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), Узбекистон ССР 25 йиллиги номли) жуфт соатларда, телефон 53-65-87), Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПЕТРНИНГ ЕШЛИГИ» — Ғ. Ғулом номли (11, 14, 17, 20.00).

«КАРНАВАЛ» — К. Ерматов номли (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 24-22-66).

«XX АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

Қабул пунктларида макулатуралар уларни топширувчи гражданларнинг қаерда турнишидан қатъи назар, фақат турлари бўйича алоҳида-алоҳида қилиб ўралган ҳолда қабул қилинади. Масалан: газеталар алоҳида, китоб-журналлар алоҳида, рўзгор картонлари ва ўраш қоғозлари алоҳида.

«ВТОРСИРЬЕ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ДОИМИЙ ИШГА

малакали корректорлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26-уй.

ТОШКЕНТ МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ ТЕХНИКУМИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқитувчилар: кинооператорлик маҳорати асослари, фотокомпозиция, фотографиянинг умумий курси, кинопроекцион техника.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси. Телефон 46-04-40.

Октябрь районидаги Ойбек номли 115-ўрта мактаб томонидан **Аброров Муҳтор Акмалович** номига берилган 560820 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент давлат университети томонидан **Адилова Саодат Раджабовна** номига берилган 278585 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 да

ОТЛАР ПОЙГАСИ

ПРОГРАММАДА: анъанавий ютуқлар ва номли мукофотлар ўйини.

Отчопарда ҳар хил ўйин аттракционлари ишлайди.

От пойгасида Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРнинг колхоз, совхоз ва от заводларидаги энг яхши отлар қатнашади.

От-спорт лотереяси (тотализатор) ишлайди.

Отчопарда совуқ ичимликлар билан савдо қиладиган буфетлар Сизнинг хизматингизда.

Сиз бутун йил давомида ишлайдиган прокатдан (душанба кунидан ташқари) фойдаланишингиз мумкин. Отда ва тройкада сайр қилиш мумкин.

Отчопар корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари билан отни миниб юришга прокатга бериш учун шартномалар тузади.

Аҳолидан тўй тантаналарида сайр қилиш учун рус тройкаларига заявкалар қабул қилинмоқда.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси»). Телефонлар: 76-82-18, 76-82-19, 76-29-34.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

17 ИЮЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.45 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 19.15 Янги мультфильмлар. 19.55 Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 21.30 «Время». 22.05 «Шербур соябонлари». Бадиий фильм (Франция). 23.35 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.00 Халқаро обзор. 18.15 «Синфдошлар». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Спартак» Тбилисидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Академик эшкак эшиш бўйича СССР чемпионати. Крилатскоедаги эшкак эшиш каналидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси.

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Винни-Пух» «Винни-Пух меҳмонга боради», «Бор эканда йўқ экан, кўринчи бўлган экан». Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Юлдузча». 19.00 «Ота-оналар университети». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Кино артистлари куйлайди». 20.30 «Ахборот». 20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!» ҚҚАССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Самарқанд области. 21.30 Москва. «Время». 22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!». ҚҚАССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Самарқанд области (давоми). Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Октябрятлар учун. «Ситорача». 18.25 Болалар учун фильм. «Пионер ёзи». 18.55 Янгиликлар. 19.15 «Кинокамера билан саёҳат». 20.00 «Ахбор». 20.25 «Бўстон-2». Республика халқ ижодиёти телевизион конкурси. 21.30 МТ II.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 32-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

17 ИЮЛЬ, 1982 й. Р. — 03030. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.